

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ДИНИЙ БИНОЛАР МЕЬМОРЛИГИ.

*Адилов Зафар Равшанович
Наманган муҳандислик қурилиши
институти, “Архитектура”
кафедраси катта ўқитувчиси
tel: +998 90 261 81 88
email: adilovzafar615@gmail.com*

Аннотация. Наманган вилоятида жойлашган архитектура ёдгорликлари, айрим мадраса ва масжидлар бунёд этилишига оид тарихий маълумотлар кўриб чиқилган. Шунингдек, меъморчилик ёдгорликларининг инсоният тараққиётидаги ўзига хос ўрни, салмоғи ва ахамияти ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: маданий ёдгорликлар, маданий мерос объектлари, замонавий шаҳарсозлик, зиёратгоҳлар, масжидлар, гумбаз.

Марказий Осиёда мақбара қурилишига қадимдан катта эътибор берилган. Мақбаралар, асосан ислом дини ўрнатилгандан сўнг йирик дин, фан арбоблари, подшоҳлар учун қурилган. Ўрта асрларда қурилган мақбараларнинг аксарияти бир хонадан ташкил топган. Кейинчалик мақбаралар икки, уч ва ундан ортиқ хоналарни (зиёратхона, гўрхона, кириш хонаси) ўз ичига олган. Шунингдек, давр ўтиши билан мақбаралар ёнига яна бошқа шахсга тегишли мақбаралар, қўшимча хоналар қўшилиб, катта мажмуаларга айлантирилган.[1] Мақбара, турбат — қабр устига қурилган махсус бино. Оддий тури чорси хонадан иборат, унга пештоқли эшик орқали кириш мумкин. Баъзан хонанинг тўрт томони равоқли чордара шаклида бўлган.[2]

Мақбара – қабр устига қурилган мемориал бино – мавзолей. Баъзан уни марқад, турбат деб ҳам аташади. Мусулмон динида дастлаб қабр устига бирор тош қўйиш, иморат қуриш умуман ман этилган. Лекин IX асрдан бошлаб мақбаралар қурилгани маълум. Мовароуннахрда ҳам IX асрнинг охиридан бошлаб мақбаралар қуриш одатга кира бошлаганини Г.А. Пугаченкова, П.Зоҳидов, М.Қ. Аҳмедов, Л.Ю. Маньковская каби қатор олимлар ўз тадқиқотларида баён этганлар. Мақбаралар шаклланиш композицияси жиҳатидан иккига бўлинади, бир хонали бинолар, кўп хонали бинолар. Бир хонали мақбаралар туркумiga кирувчи ёдгорликларнинг икки кўриниши мавжудлигини профессор М.Қ. Аҳмедов яққол мисолларда кўрсатган. Бир хонали мақбараларнинг иккинчи кўриниши гумбазли – пештоқли бинолардир. Бу турдаги биноларнинг аввалгисидан фарқи – чортоқ кўринишидаги тўрт томони бир хилда қурилмаслигидадир. Уларнинг асосий кириш қисми алоҳида

маҳобатли тарзда қурилиб, кириш йўли пештоқ орқали ўтган.[3] Кўп хонали мақбараларнинг типологик асосларини биринчилар қаторида Г.А. Пугаченкова ва Л.Ю. Маньковскаялар ўз илмий асарларида таҳлил этганлар. Икки ва ундан ортиқ хонали мақбаралар туркимиға нафақат гўрхона балки зиёратхона, махсус дахлиз, ҳовли, айвон, айримларида хонақоҳ ва масжидлар кирган. Кўп хонали мақбаралар кўпинча гуруҳ қилиб эмас, балки алоҳида-алоҳида бинолар сифатида бунёд этилган.

Масжидлар ўтмишда нафақат намоз ўқиладиган жой, балки анча кенг ижтимоий функцияларни ҳам бажарган. Масалан, уларда шариятни бузганлар суд қилинган, кечқурунлари уламолар, юристлар, шоирлар ва файласуфлар учрашиб, ижодий уюшмалар ташкил қилган. Масалан, Мисрнинг Фустат шаҳридаги масжидда 100дан зиёд ана шундай уюшмалар ишлаган. Farb ислом мамлакатларидағи масжидларнинг кўпчилиги маъориф марказлари ролини ҳам бажарган. Жумладан, Қоҳирадаги Ал-Ахзар масжиди XX аср бошигача ислом дунёсининг энг катта ва обрўли дорулфунуни тарзида машхур бўлган.[4]

Масжидларни вазифасининг мавқеи, шаҳар ҳудудида жойлашиши ва меъморий - режавий ечимларига қараб бир неча турларга бўлиш мумкин.

Вазифасининг мавқеи ва жойлашишига кўра масжидлар гузар масжидлари, жоме масжидлари, сарой масжидлари, мадрасалар намозгоҳлар ва қишлоқ масжидларига бўлинган. **Гузар масжидлари** маҳаллалар марказларида жойлашиб, бу ердаги мактаб, мадраса, чойхона, савдо ва ҳунармандчилик дўконлари, ҳаммом каби жамоат бинолари билан яхлит меъморий туркумни ташкил қилган. Бу туркумда гузар масжиди етакчи ўрнини эгаллаган. Гузар масжидларида ҳар куни беш вақт намоз ўқилган. **Жоме масжидлари** шаҳар ва туман аҳамиятига эга бўлган алоҳида бино тарзида қурилган. Улар, одатда, шаҳар ёки туманнинг энг нуфузли жамоат жойлари (мадрасалар, бозорлар, карвон-саройлар) билан ёнма-ён жойлашган. Жоме масжидлари асосан жума намозини ўқишга мўлжаллангани учун “Жума масжиди” деб ҳам юритилган. Айрим шаҳарларда жоме ва жума масжидлари алоҳида ўз биноларига эга бўлган.

Жоме масжидлари кўп кишини сиғдиришга мўлжаллангани учун атрофи девор билан, девор эса ҳовли томондан айвонлар билан айлантирилган.[5] **Атоуллихон тўра масжиди** - Намангандаги меъморий обидаларнинг ажойиб намуналаридан бири «Сумалак гузар» маҳалла марказида, «Уйчи» кўчасида жойлашган «Атоуллихон тўра» масжидидир. (Бу масжид маҳаллий халқ иборасида Отавалихон тўра масжиди деб атаб келинади). Тарихдан маълумки, Намангандаги тўрт қисмдан иборат бўлиб, Лаббайтоға, Сардоба, Чуқуркўча, Дегрезлик даҳаларига бўлинган. Мазкур даҳаларнинг хар бирида жомеъ масжидлари ва мадрасалари бўлган. Жумладан, Дегрезлик даҳасининг

марказида, яъни хозирги Атоулихон тўра масжиди ўрнида ҳам XVII асрнинг охирида бунёд этилган мадраса ва катта жомеъ масжид биноси мавжуд эди.[6]

Манбашунос Ахмад Убайдуллоҳ «Наманган хақиқати» рўзномаси 2007 йил 31 январь сонида «Нодир обидалардан бири» мақоласида ушбу мадраса ва масжид ёғочдан синчли қилиб қурилган бўлиб, бинонинг ички ва ташки кўринишлари ҳамда жомеъ масжидининг айвони нихоятда дид, амалий санъатнинг гўзал усуллари билан нақш қилиниб, зийнатланган ҳамда араб ёзувининг куфий, сулс, насҳ ва настаълик усулларида оятлар, хадислар ҳамда саловатлар ёзилган эди. Шунингдек, ганч ва ёғоч ўймакорлиги ишлари нихоятда мохирона бажарилган.

XIX асрда Халифа Абдулазиз номи билан машхур бўлган сўфий шоир Абдулазиз Хасанхўжа ўғли Мажзуб Намангоний мазкур мадраса ва жомеъ масжидини таъмирлаб, шу ерда фаолият кўрсатиб, мударрислик қилади. Шу даврдан бошлаб бу мадраса ва жомеъ масжид Халифа Абдулазиз мадрасаси номи билан атай бошланади. Халифа Абдулазиз вафотидан сўнг орадан бир қанча йиллар ўтгач, XX асрнинг бошларига келиб, сабаби номаълум бўлган ёнгин натижасида масжид ва мадраса бинолари тамоман куйиб кетади.[7]

Бўлиб ўтган ёнгиндан сўнг Халифа Абдулазизнинг набираси Атоулихон (Отавалихон) тўра бошлиқ Дегрезлик даҳасига қарашли махаллаларнинг оқсоқоллари ўзаро маслаҳатлашиб, куйиб кетган масжид ва мадраса биносининг ўрнига янгидан гумбазли жомеъ масжида қуришга қарор қилдилар.

Бўлғуси масжид биносининг лойиҳаси ишлаб чиқилади, лойиҳасига мувофиқ масжид катта гумбазли бўлиб, ёғоч ишлатмасидан факат пишиқ ғиштдан қурилиши ва бинонинг олди томони икки қувватли бўлиши, ички қисми ажойиб санъатли турли ўйма нақшлар билан безатилиши керак эди. Атоулихон тўра масжидининг мазкур лойиҳаси хозирда Республика марказий Давлат архивида сақланмоқда. Бундай улкан гумбазли бинони қуриш иши осон бўлмаганлиги учун таклиф этилган усталарнинг кўпчилиги бу мураккаб ва масъулиятли вазифани қилмадилар. Нихоят ўша даврнинг машхур меъмори наманганлик Иброҳим меъморнинг ўғли Уста Мулла қирғиз қурилиш ишларини ўз зиммасига олади. Уста Мулла қирғиз хақиқий устазода бўлиб, меъморлик санъати соҳасида туғма истеъододга эга эди.

1915 йилнинг баҳорида қурилиш ишлари бошлаб юборилди, қурилиш жараёнида Уста Мулла қирғиз билан ёнма - ён унинг исътедодли шогирдларидан Уста Фозил Намангоний, соқов Хожи ва бошқалар бирга ишлайдилар. Уста Мулла қирғиз масжид қурилишида ўзининг барча тажрибасини ишга солади ва маҳоратини намоён қилади. Чунки, бундай мураккаб қурилиш иншоатлари камдан - кам бунёд этдилар эди.[8]

Хулоса қилиб айтганда, Наманган шаҳри ўзининг бой тарихий меъморий обидаларига эга. Шулардан Хўжамнинг мақбараси, Атоуллихон Тўра масжиди, Азизхўжа Эшон мадрасаси ва масжиди, Мулла Киргиз мадрасаси, Мавлавий Намангоний макбараси, Махдум Эшон масжиди, Кодир хўжа Эшонбой уйи музейи, Мулла Бозор Охунд мажмуаси, А. Навоий номидаги вилоят мусика ва драмма театри, 1-сонли Ўрта мактаб биноси, Наманган Хитой банк биноси, Абдулла Эшон масжиди, Раҳматулла Лахтод масжиди, Нодим Номонгоний макбараси, Шайх Исоқ Эшон масжиди, Муйи муборак гумбази, Лангар масжидини замонавий функцияларга мослаштириш, уларни сақлаш масалалари ҳақида лойиҳавий таклиф бериш лозим. Жумладан Атоуллихон тўра масжидини музей биносига мослаштириш, Мулла Қирғиз мадрасасини миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини сотиш мақсадида мослаштирилиши керак. Чунки бу ёдгорликлар Наманган тарихини, маданиятини, меъморий анъаналарини ўзида акс эттирган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интеръєр. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси. “ФАН” нашриёти. 2005. 37-бет.
2. Ravshanovich, A. Z. (2021). Issues Of Improving Tourism Opportunities In Namangan Region. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 26(2), 40-44.
3. Adilov, Z. (2021, June). ISSUES OF IMPROVING TOURIST OPPORTUNITIES IN NAMANGAN REGION. In *Конференции*.
4. Адилов, З. Р., & Болгабоев, Д. (2021). РЕСТАВРАЦИЯ И СОХРАНЕНИЕ СУЩЕСТВУЮЩИХ ИСТОРИЧЕСКО-АРХИТЕКТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ-ОСНОВА РАЗВИТИЯ МЕЖДУНАРОДНОГО ТУРИЗМА. *Вестник Науки и Творчества*, (11 (71)), 38-44.
5. Ravshanovich, A. Z. (2021). Namangan Historical Architectural Monuments. *Design Engineering*, 6940-6945.
6. Адилов, З. Р., & Раҳмонбердиев, С. (2021). НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ТУРИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Вестник Науки и Творчества*, (11 (71)), 34-37.
7. Адилов, З. Р. (2021). ЗАЩИТА КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ СОКРОВИЩА НАШЕГО НАРОДА-ОСНОВА НАШИХ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ. In *НАУКА И ПРОСВЕЩЕНИЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ДОСТИЖЕНИЯ И ИННОВАЦИИ* (pp. 249-252).
8. Адилов, З. Р. (2022). ЁШЛАРГА МАДАНИЙ МЕРОС ҲАЗИНАСИНИ ТАРФИБ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ. *ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРДА ИННОВАЦИЯ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, 2(4), 124-130.

9. Adilov, Z. R. (2022). Peculiarities of Construction Drawings. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(4), 227-230.
10. Адилов, З. Р. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИ МАДАНИЙ МЕРОС ҲАЗИНАСИНИ АСРАШ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМIZНИНГ АСОСИДИР. *TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI*, 69-73.
11. Адилов, З. Р. (2022). URBAN PLANNING OF THE CITIES OF NAMANGAN REGION. *Science and Innovation*, 1(6), 259-264.
12. Adilov, Z. (2021, August). ISSUES OF IMPROVING TOURIST OPPORTUNITIES IN NAMANGAN REGION: <https://doi.org/10.47100/conferences>. v1i1. 1224. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).
13. Қосимов, И. М., Дедеханов, Б., Адилов, З. Р., & Раҳимова, Г. Э. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Journal of new century innovations*, 19(2), 169-175.
14. Адилов, З. Р., Қосимов, И. М., Дедеханов, Б., & Раҳимова, Г. Э. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ ХЎЖА АМИН МАҚБАРАСИ. *Journal of new century innovations*, 19(2), 152-160.
15. Дедеханов, Б., Қосимов, И. М., Адилов, З. Р., & Раҳимова, Г. Э. (2022). ФАРГОНА ВОДИЙСИ ҚАДИМГИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖИДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ РОЛИ. *Journal of new century innovations*, 19(2), 176-185.
16. Adilov, Z. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИГИ. *Science and innovation*, 1(C6), 259-264.
17. Sharifjanovna, Q. M. (2022). METHODS OF USING FINE ARTS IN THE PROCESS OF DEVELOPING THE PROFESSIONAL COMPETENCIES OF FUTURE ARCHITECTS. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES* ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(5), 49-51.
18. Kahharov, A. A., & qizi Rahimova, G. E. (2021). Intensive Methods of Developing Students' Graphic Competencies in the Training of Competitive Personnel. *European Journal of Life Safety and Stability* (2660-9630), 7, 38-44.
19. қизи Раҳимова, Г. Э., Холмирзаев, А., & Турсунбоева, М. (2022, May). РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ТЕКУЩИХ ПРОГРАММ ПРОДВИЖЕНИЯ (PIRLS, PISA, TIMSS, TALIS) РЕФОРМЫ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ. In *International Conference on Research Identity, Value and Ethics* (pp. 242-244).

20. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.
21. Mahmudov, O. Z. O., & Kasimov, I. M. (2021). THE STUDY OF THE GEOECOLOGICAL PROBLEMS OF A BIG CITY. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 271-275.
22. Dedakhanov, B., & Kasimov, I. (2022). ANCIENT ARCHITECTURE OF THE FERGHANA VALLEY FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF CIVIL ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING). *Science and innovation*, 1(C6), 278-284.
23. Раззаков, С. Ж., Холбоев, З. Х., & Косимов, И. М. (2020). Определение динамических характеристик модели зданий, возведенных из малопрочных материалов.
24. Арифжанов, А. М., Фатхуллаев, А. М., Самиев, Л. Н., & Косимов, И. (2015). Установившееся неравномерное движение взвесенесущего потока в верхнем бьефе гидроузла. *Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук*, (5-2), 204-207.
25. Maribovich, Q. I. (2022). Scientific Proposals for Architectural Improvement of Engineering Centers. *Nexus: Journal of Advances Studies of Engineering Science*, 1(6), 59-63.
26. Хасанов, А. Н., Аббасова, Р. К., & Маърибович, Қ. И. (2022). КАСБ ҲУНАР МАЖМУАЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ (ФАРГОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА). *Journal of new century innovations*, 19(1), 198-204.
27. Rahimova, G., Dedaxanov, B., Adilov, Z., & Qosimov, I. (2022). USE OF INNOVATIVE METHODS IN DEVELOPING PROFESSIONAL SKILLS OF STUDENTS. *Journal of new century innovations*, 19(2), 161-168.
28. Дедеханов, Б., Қосимов, И. М., Адилов, З. Р., & Раҳимова, Г. Э. (2022). ФАРГОНА ВОДИЙСИ ҚАДИМГИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛАНИШИ ВА РИВОЖИДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ РОЛИ. *Journal of new century innovations*, 19(2), 176-185.
29. Адилов, З. Р., Қосимов, И. М., Дедеханов, Б., & Раҳимова, Г. Э. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ ХЎЖА АМИН МАҚБАРАСИ. *Journal of new century innovations*, 19(2), 152-160.
30. Қосимов, И. М., Дедеханов, Б., Адилов, З. Р., & Раҳимова, Г. Э. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН АРХИТЕКТУРАСИНИ ШАКЛАНТИРИШ. *Journal of new century innovations*, 19(2), 169-175.

31. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. IMPROVING THE DESIGN OF YOUTH INNOVATIVE-CREATIVE AND DEVELOPMENT SCIENTIFIC CENTERS.
32. Zokirjon o'g'li, M. O., & Kasimov, I. M. (2021). MODELING OF BUILDINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 772-781.
33. Zokirjon o'g'li, M. O., & Kasimov, I. M. (2021). MODELING OF BUILDINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 772-781.
34. Арифжанов, А. М., Фатхуллаев, А. М., Самиев, Л. Н., & Хотамкулов, Б. (2015). Русловые процессы в оросительных каналах. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (5-2), 207-209.
35. Ахмедов, Р. М., Дадаев, Б., & Ахмедов, Ф. Р. (2016). Методы прогнозирования объемов финансирования ремонта и строительства автомобильных дорог. *Инновационная наука*, (6-1), 38-40.
36. Дадаев, Б. (2017). Особенности конструктивно-технологических решений граждающих конструкций энергоэффективных зданий. *Символ науки*, (12), 22-25.
37. Дадаев, Б. (2017). Особенности физико-механических свойств теплоизоляционных материалов для крыш. *Символ науки*, 2(3), 53-55.
38. Дадаев, Б., & Ахмедов, Ф. Р. Доц. каф.«Производство строительных материалов, изделий и конструкций» Наманганский инженерно-педагогический институт. *Свидетельство о регистрации СМИ–ПИ № ФС77-61597*, 38.
39. Raimjonovna, N. N. (2022). URBAN AND URBAN PLANNING AS AN OBJECT OF PHILOSOPHICAL AND AESTHETIC RESEARCH. *INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE* 2022, 1(9), 65-69.
40. Ibragimjon o'g'li, A. K. (2022). URBANIZATION AS A MAIN OBJECT OF PHILOSOPHICAL AND AESTHETIC RESEARCH. *INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE* 2022, 1(9), 70-75.
41. Касимов, О. С. (2021). СОВРЕМЕННЫЙ ИНТЕРЬЕР. *Интернаука*, 20(196 часть 1), 88.
42. Azizbek, H. (2022). The Main Artistic Principles of The Project Proposal of The Ecological Mosque. *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES*, 3(6), 45-51.
43. Акрамов, К. (2022). Afrosiab, Panjikent monuments interior solutions. *Общество и инновации*, 3(6/S), 62-66.
44. Khasanov, A. (2020). Organizing Eco Tourism Along With Uzbek National Automagistrale Way. *Solid State Technology*, 63(6), 12674-12678.

- 45.Ozodovich, X. A., & Azim o'g'li, N. A. (2021). Formation of the “Obod Mahalla” System in the Villages of Uzbekistan and Serving the Population. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 1(5), 325-329.
- 46.Khasanov, A. (2016). About several infrastructure constructions of the Great Silk Road. *Int'l J Innov Sci Eng Technol*, 3(6), 295-299.
- 47.TACI, A. K. About Several Infrastructure Constructions Of The Great Silk Road.
- 48.Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
- 49.Adilovna, Q. S., & Ozodovich, X. A. (2021). REQUIREMENTS FOR THE PREPARATION OF INTERIORS IN SECONDARY SCHOOLS. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 74-77.
- 50.Ozadovich, K. A., & Ismailovich, I. B. (2021). Issues of Organization of Service Sets onthe Uzbek National Highway A-380. *Design Engineering*, 2582-2586.
- 51.Ozodovich, X. A., Iqramovich, A. R., & Shaxnazarovich, R. L. (2021). Location of auxiliary rooms inside the living rooms in bukhara traditional residential areas. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning*, 2(11), 1-5.
- 52.Khasanov, A. O., & Allayarov, K. O. (2021). Residential Yurts Of The Ancient Nomads Of Central Asia And The Use Of Yurts In Tourism. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(01), 58-64.
- 53.Matjanov, O. K., Xasanov, A. A., & Boltabayev, P. L. Y. (2022, August). ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSION MARKAZLARNI LOYIHALASH VA QURISHNING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATLI TALABLARI VA QONUNIYATLARINI SHAKLLANTIRISH. In *INTERNATIONAL CONFERENCES* (Vol. 1, No. 7, pp. 36-39).
- 54.Matjanov, O. K., Xasanov, A. A., & Boltabayev, P. L. Y. (2022). ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSION MARKAZLAR ARXITEKTURASINING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISH AN'ANALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 214-217.
- 55.Xasanov, A. A., Ro'Zmetov, Q. S., Duschanov, S. S., & Duschanov, R. D. O. G. L. (2022). YUSUF HAMADONIY ZIYORATGOHIDA ZIYORAT VA DAVOLANUVCHILAR UCHUN KICHIK EKOTURISTIK MEHMONXONALARNING ORNI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(5-2), 674-679.
- 56.Khasanov, A. CONTEMPORARY DESTINATIONS SERVICE AND CREATING A SYSTEM OF HISTORICAL CARAVAN ROUTES.
57. Ozodovich, H. A., Maribovich, Q. I., & Zarina, B. (2023). KASBGA YO'NALTIRISH MARKAZINI INNOVATSION LOYIHASI TAKLIFI “KIDZANIA JOB WORLD IN TASHKENT”. *PEDAGOG*, 1(5), 120-129.